



Vaziyat

2023 йил
17 август
№ 33 (922)



Ўзбекистон Республикаси Фавқулдда вазиятлар вазирлиги нашри ○

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган

МАТБУОТ БРИФИНГИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Фавқулдда вазиятлар вазирлиги томонидан мамлакатимиз ҳудудида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўтказилган “Долзарб 30 кун” тадбири якунларига бағишланган матбуот брифинги ташкил этилди.



Тадбир давомида ФВВ Марказий аппарати бошқарма бўлим бошлиғи майор Мавлонбек Досчанов сўзга чиқиб, “Долзарб 30 кун” тадбири якунларига оид маълумотларни баён этди. Таъкидланишича, ёзги дам олиш ва соғломлаштириш мавсумида республикада ташкил этилган 1 минг 311 та стационар оромгоҳлар, соғломлаштириш майдончалари, пансионат ва санаторийларда вазирлик ходимлари ҳамда куч-воситалари томонидан туну кун хизмат ташкил этилиб, ушбу объектларнинг масъуллари ҳамда ишчи-хизматчилари томонидан ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш юзасидан қатъий назорат ўрнатилди.

Шунингдек, ўта муҳим, тоифаланган ва ёнгин-портлаш хавфи юқори бўлган объектларда носоз ҳолга келган 112 та сув ҳовузи, 173 та гидрант тузатилиб, ушбу объектлар 56 минг 673 квадрат метр майдондаги ёнишга мойил қуриган ўсимлик ва чиқиндилардан тозаланди. Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича тест синовлари ўтказилган 72 та объектда ҳамда уларнинг

150 метр радиусида жойлашган 2 минг 393 та биноларда ёнгинларнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлар ўтказилиб, кенг қамровли тушунтириш ишлари амалга оширилди.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, ўтган йилларнинг бу даврида ёнгинлар сонининг фақат ўсиши кузатилган. “Долзарб 30 кун” тадбири даврида ёнгинларнинг олдини олишга қаратилган оммавий тадбирлар натижасида республикада юз берган ёнгинлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 13 фоиз камайган.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб, юртимизда “Ёнгиндан огоҳлик” умуммиллий компаниясига старт берилди. Ушбу тадбирларда ҳам бир қатор вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Ўз навбатида, барча юртдошларимизни мазкур тадбирларда фаол иштирок этиш ва ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишга чорлаб қоламиз.

ФВВ матбуот хизмати.

“Энг яхши ёш китобхон – 2023”:



ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАР АНИҚЛАНДИ

Фавқулдда вазиятлар вазирлиги тизимида “Энг яхши ёш китобхон-2023” танловининг Республика босқичи ўтказилди. Унда ҳудудий босқичда ғолибликни қўлга киритган 12 нафар ёш китобсеварлар “Ўзбек адабиёти билимдони”, “Жаҳон адабиёти билимдони”, “Буюк мутафаккир ва адиб”, “Шеърят” каби шартлар бўйича ўзаро беллашдилар.

Тадбир ташкилотчилари томонидан қайд этилганидек, бугунги замон ёшлари билимини, дунёқарашини, тафаккурини янада кенгайтириши, оғзаки ҳамда нутқ бойлигини ошириши учун китоб билан жуда яқин бўлиши, дўст тутиниши керак. Чунки ҳар қандай асар ҳам инсон руҳиятини поклаб, маънавиятини юксалтиради. Мазкур кўрик-танловни ташкил этиш ҳам ўз навбатида, эртаимиз эгаларининг порлоқ келажагини таъминлашга, халқ фаровонлигига, юрт тараққиётига камарбаста бўладиган ёшларнинг ортиб боришига хизмат қилади.

– Бугунги ахборот асрида куч тузилмаларида хизмат вазифасини бажараётган ёш ҳарбий хизматчиларнинг маънавий савияси ва интел-

лектуал салоҳиятини юксалтиришда ҳамда мустақкам ҳаётий позицияга эга бўлишини таъминлашда китоб мустақкамнинг аҳамияти беқиёсдир, – дейди ФВВ матбуот хизмати бошлиғи ўринбосари подполковник Самандар Ҳикматуллаев. – Инсон маънавиятида бўшлиқ бўлмастлигини таъминлайдиган, бебаҳо ҳазина, буюк кашфиёт ҳисобланган китоб аждодларимиз ва жасур замондошларимизнинг ибратли ҳаётини, миллий меросимизнинг тарихий илдишларини ўргатади. Инсон ҳаётнинг ҳар қандай синовини тафаккур билан енгиб ўтишга ундайди. Танлов ёш ҳарбий хизматчилар ўртасида китобхонлик майдонини яратиб берди, дейиш мумкин.

(Давоми 8-бетда)



ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Ҳарбий прокуратура органлари томонидан ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ва пенсионерларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларга ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлашда кўмаклашиш мақсадида жойларда оммавий сайёр қабуллар ташкил этилмоқда.



Шундай тадбирларнинг навбатдагиси Қуролли Кучлар таркибига кирувчи вазирилик ва идоралар билан ҳамкорликда Жиззах шаҳрида ўтказилди. Унда 300 нафарга яқин ҳарбийлар, уларнинг оила аъзолари ва фуқаролар қатнашди.

Тадбир бевосита Ўзбекистон Республикаси Бош про-

курори ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори Б.Кудратходжаев иштирокида ўтди. Мулоқот давомида 103 та мурожаат келиб тушди, шундан 21 таси жойида ҳал этилди.

Хусусан, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагидаги 3 нафар ҳарбий хизматчининг турмуш ўртоқларига белгиланган тартибда субсидиялар ажратилиши таъминланди.

Қолган 33 та мурожаат бўйича ҳуқуқий тушунтириш берилди, ўрганиш ва муддат талаб этиладиган 49 та мурожаат назоратга олинган ҳолда мутасадди ташкилотларга юборилди.

Сайёр қабул давомида хайрия тадбирлари амалга оширилиб, кўмакка муҳтож 4 нафар ногиронлиги бўлган шахсга ва 2 нафар вафот этган ҳарбий хизматчининг оила аъзоларига маиший техникалар ва бошқа буюмлар тақдим этилди.

Лочин ҚУРБОНБОВ,
Жиззах ҳарбий прокурорининг ўринбосари, адлия капитани.

ЎРГАНИШ ВА НАТИЖАЛАР

Тошкент ҳарбий прокурори А.Бобоев ва Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи Қ.Шодибековлар томонидан Сергели туманида ўрганиш ишлари олиб борилди. Маҳаллаларда ижтимоий кўмакка муҳтож аҳоли қатламининг турмуш шароити билан танишилиб, муаммоларни жойининг ўзида ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди.



Жумладан, фуқаро С.А.нинг хонадони ўрганилиб, совуқ кунларда уйни иситиш учун махсус замонавий сув иситиш воситалари ўрнатилди.

Масъулларга бириктирилган 3-тоифадаги ёшлардан 3.К.га ти-

кувчилик билан шуғулланиш учун тикув машинаси топширилди.

Бундан ташқари, боқувчисини йўқотган К.Ч.нинг мурожаати ижобий қаноатлантирилиб, хонадонда таъмирлаш ишлари олиб борилди, чиқиндилар олиб чиқилиб, тартибга келтирилди.

Шунингдек, 277-умумтаълим мактаби спорт мажмуасида ташкил этилган спорт тўғараклари фаолияти билан яқиндан танишилиб, зарур спорт анжомлари тақдим қилинди.

Алишер ҚУРБОНОВ,
Тошкент ҳарбий прокурори ёрдамчиси.

Судья минбари

МУШТУМЗЎРЛАР

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида яшовчи ака-ука Қ.А. билан У.А. 20-23 ёшли йигит. Улар олий маълумотли бўлиш, меҳнат қилиш ўрнига бекорчиликни афзал билишди. Ана шу бекорчилик оқибати яхшилик билан тугамади. Гап шундаки, ака-укалар судланди.

— Ўша куни таниш қиз менга телефон қилди, — деди судда судланувчи Қ.А. — йиғламсираб гапирганлиги учун нима гаплигини сўрадим. Қиз менга бирга ўқийдиган курсдош йигит ҳаммининг олдида ҳақорат қилиб, шаънига тегадиган гапларни гапирганлигини айтди. Мен

унга ўша бола билан ўзим гаплашаман, телефонини бер, дедим. Ундан ўша боланинг телефон рақамини сўраб олдим. Кейин мен қизнинг курсдошига телефон қилиб, “Сен ҳақорат қилган қизнинг йигити бўламан, учрашиб гаплашиб олайлик, — дедим. У билан Яққасарой тумани Шота Руставели кўчасида учрашдик. Мен талаба йигитга “Қиз болани ҳақорат қилиш яхши эмас, кечирим сўра, — деб айтдим. Биз тортишиб кетдик. Мен

унинг ёқасидан олиб, жағига мушт туширдим. У ҳам мени урди. Шу орада акам танишлари билан келиб қолди. Акам бизни ажратиб қўймоқчи бўлиб талабани тортиди. Бақир-чақир билан улар кетишди. Тўғри, айб иш қилдим, кечиринглар.

Судланувчи ака-укалар безорилик, яъни жамиятда юриш-туриш қоидаларини менсимай фуқаро О.З.ни уриб-дўппослаб, баданига ўртача огирликда жароҳат етказишган.

Суднинг ҳукми билан муштумзўр ака-укаларнинг ҳар бирига 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланди. Бекорчилик, муштумзўрлик оқибатида улар бугун кўп нарсадан маҳрум. Уларнинг қисмати бошқа ёш йигит-қизларга ҳам сабоқ бўлиши керак.

Хусанбой ПАРПИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Яққасарой туман судининг судьяси.

ФВВ Академияси “Маънавият ва маърифат” марказида “Пайшанба – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни” муносабати билан “Қонунчиликдаги янгиликлар” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.



Тадбирда сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги фармони, 2023 йил 3 августдаги “Қуролли Кучларнинг жанговар тайёргарлиги ва салоҳиятини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилаётганлиги муносабати билан “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори, Вазирлар

ДАВРА СУҲБАТИ

Маҳкамасининг 2023 йил 4 августдаги “Ёнғинлар профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ёнғин хавфсизлиги соҳасида давлат назоратини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 332-сонли қарорининг мазмун-моҳияти ва ижроси юзасидан белгиланган вазифалар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шунингдек, тадбир давомида барча ҳарбий хизматчилар ўз хизмат вазифаларини ҳалол, виждонан, юқори профессионал даражада ва ваколатларидан четга чиқмаган ҳолда бажаришлари лозимлиги, ҳар қандай вазиятда ўз шаъни ва қадр-қимматини сақлаш ва яна бошқа талаб ҳамда вазифалар юзасидан тушунтиришлар берилди.

Тадбир якунида мутахассислар томонидан иштирокчиларнинг саволларига жавоб берилди.

Илҳом САЛОМОВ,
Республика ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия подполковниги.

Нукус ҳарбий прокуратураси томонидан “Уч авлод учрашуви” тадбирлари давом эттирилмоқда.

ТАЖРИБА — ҲАЁТИЙ МАКТАБ



Тадбирларнинг галдагиси Шимоли-ғарбий ҳарбий округ маънавият марказида ташкил этилди.

Уларда ҳарбий прокуратура ходимлари, Қуролли Кучларимиз сафларида узоқ йиллар хизмат

қилган фахрийлар, ёшлар ва ҳарбий хизматчилар иштирок этдилар. Мулоқотлар давомида фахрийлар ўз ҳаёти ва хизмат фаолияти давомида орттирган бой амалий тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Тадбир якунида ўз юбилей айёмларини нишонлаётган фахрийлар эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Фарид ҲАСАНОВ,
Нукус ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси, адлия катта лейтенанти.

MA'RIFIY KECHA

Toshkent shahar Bektemir tumani hokimligi bilan hamkorlikda "Gulbog" MFY hududida FVV Maxsus muhandislik-qurilish boshqarmasining orkestr jamoasi tomonidan "Yangi hayot uchun, Yangi O'zbekiston uchun!" shiori ostida mahalla yoshlarining madaniy-mari'fiy dam olishini tashkil etish maqsadida konsert dasturi bo'lib o'tdi.

Tadbir davomida orkestr jamoasi va el suygan san'atkorlar tomonidan Vatanga cheksiz sadoqat ruhini shakllantirishga qaratilgan kuy-qo'shiqlar ijro etildi. Bu, o'z navbatida, yosh-

larga ko'tarinki ruh va a'lo kayfiyat baxsh etdi.

I.KAJANOV,
Tarbiyaviy va mafkuraviy ishlar bo'limi katta texnigi, oddiy askar.



UCH AVLOD UCHRASHUVI

Farg'ona viloyati FVBda "Uch avlod uchrashuvi" tadbiri bo'lib o'tdi.

Unda boshqarma rahbariyati hamda tizimda uzoq yillar samarali mehnat qilib, hozirda nafaqa gashtini surayotgan bir guruh iste'fodagi polkovniklar, Farg'ona harbiy prokuraturasi mas'ul vakillari adliya kapitani X.Ergashev, adliya katta leytenanti J.Tinjiboyev va boshqarma tizimida xizmat qilib kelayotgan 150 nafar 30 yosh-

gacha bo'lgan yoshlar ishtirok etdilar.

Uchrashuvda faxriylar kasb mashaqqatlari, bosib o'tgan yo'llari hamda tajribalari bilan o'rtoqlashdilar.

Tadbir yakunida boshqarma tizimidagi kuch-vositalar ko'rgazmasi namoyish etildi.

Farg'ona viloyati FVB axborot xizmati.

MULOQOT

FVV Boshlang'ich tayyorgarlik va malaka oshirish markazida seminar mashg'uloti tashkil etildi.

Markaz saf maydonida tibbiyot xizmati boshlig'i podpolkovnik O.Qaroyev tomonidan tinglovchilarga turli ko'rinishdagi kasalliklar, o'tkir ichak infeksiyasi, dizenteriya va

boshqa yuqumli ichak kasalliklarning oldini olish yuzasidan tushuntirish hamda targ'ibot ishlari amalga oshirildi.

Tinglovchilarga sanitariya-gigiyena talablariga qat'iy amal qilish, sog'lom turmush tarzi qoidalariga rioya etish lozimligi aytiladi.

O.CHORSHANBIYEV,
FVV BTvaMOM tibbiyot xizmati feldsheri, oddiy askar.

QUTQARIY QOLINDI

Namangan viloyati FVBga "Funcha" МФЙ худудидан оқиб ўтувчи "Шимолий Фарғона" каналига "Дамас" русумли автомобиль тушиб кетганлиги тўғрисида хабар келиб тушган.

Воқеа жойига зудлик билан бошқарма қутқарув отряди ходимлари етиб бориб, махсус техникалар ёрдамида каналдан автомобилни олиб чиқаётган вақтда яна бир "Дамас" автомобили ҳайдовчиси бошқарувни йўқотиб, ушбу каналга тушиб кетган.

Биринчи автомобиль салонидан йўловчилар бўлмаган. Иккинчи автомобиль салонидан 5 нафар йўловчи бўлган.

Қутқарувчилар дарҳол иккинчи автомобиль салонидан йўловчиларни қутқариб, уларнинг ҳаётларини сақлаб қолдилар. Бир нафар фуқаро шифохонага ётқизилган ва ҳозирда унинг аҳволи яхши.

Қаҳрамон САТТОВ,
Namangan viloyati FVB OAB ва ЖТБХҚГ бошлиғи, капитан.

Andijon viloyati Jalaquduq tumani FV bo'limi 11-YQQ smena boshlig'i Ozodbek Sulaymonov uzoq yillar soha tizimida xizmat qilgan.

KUZATUV

U o'z xizmati davomida ko'plab yoshlarga ustozlik qilib, bugun 60 yoshni qarshi oldi. Shu munosabat bilan O.Sulaymonov hamkasblari, oila a'zolari ishtirokida tantanali ravishda nafaqaga kuzatildi.



Tadbir davomida xodimlar uning kelgusi ishlariga muvaffaqiyatlar tiladilar.

S.ZULUNOV, Andijon viloyati FVB axborot xizmati boshlig'i, mayor.

ANJUMAN

Farg'ona viloyatida OAV vakillari, blogerlar va mahallalardagi yoshlar yetakchilari ishtirokida cho'milish mavsumida fuqarolar xavfsizligini ta'minlash yuzasidan matbuot anjumani hamda o'quv seminari tashkil etildi.



Anjumanda soha mutaxassisleri tomonidan viloyat hududida sodir bo'lgan cho'kish bilan bog'liq holatlar hamda ularning oldini olish bo'yicha amalga oshirilishi lozim bo'lgan chora-tadbirlar to'g'risida batafsil tushunchalar berildi.

Farg'ona viloyati FVB axborot xizmati

МАРОҚЛИ СУҲБАТ

Сурхондарё вилояти ФВБ ва Термиз шаҳар ФВ бўлими ҳарбий хизматчилари билан Термиз шаҳар йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари иштирокида профилактик суҳбат ўтказилди.



Tadbir davomida kechirib boriш b'uyicha mas'ullar tomonidan mas'ul tarqibga y'ul xarakati qoidalariga amal qiliш, y'ul belgilariga e'tibor bериш, boшqariш хуқуқини берувчи хужжатлар, автомобилларнинг техник ҳолатини кўздан

Н.ИСЛОМОВ,
Сурхондарё вилояти ФВБ бўлим бошлиғи, капитан.

TANTANALI MAROSIM

FVV Muhandislik muhofaza va qurilish-tiklash ishlari bosh boshqarmasi kontrakt bo'yicha harbiy xizmatchilariga tantanali ravishda boshlang'ich harbiy unvonlarni topshirish marosimi bo'lib o'tdi.

Tadbir davomida boshqarma boshlig'i polkovnik N.Saidov so'zga chiqib, mamlakatimizning turli hududlarida olib borayotgan xizmatlari hamda FVV rivojlanishida shijoat va g'ayrat ko'rsatib kelayotgan kontrakt bo'yicha harbiy xizmatchilarga minnatdorlik bildirdi.

Shundan so'ng 32 nafar harbiy xizmatchiga "kichik serjant" harbiy unvonlari topshirildi.

Tadbir davomida o'z xizmat vazifalariga sidqidildan yondashib, shaxsiy tarkib o'rtasida namuna bo'lib kelayotgan bir guruh harbiy xizmatchilar faxriy yorliq va qimmatbaho sovg'alar bilan taqdirlandilar.

Sh.AHMADALIYEV,
Tarbiyaviy va mafkuraviy ishlar bo'limi boshlig'i, kapitan.

I.KAJANOV,
OAV bilan ishlash bo'yicha katta texnik, oddiy askar.



JOYLARDA TASHVIQOT

Toshkent shahar FVB Anjumanlar saroyi YXTTEB xodimlari tomonidan joylarda uchrashuvlar tashkillashtirilib, aholiga yong'in xavfsizligi qonun-qoidalarini tushuntirish va ularga rioya qilish bo'yicha amaliy ko'rsatmalar berib kelinmoqda.

Bulardan ko'zlangan asosiy maqsad - yong'inga qarshi kurashni kuchaytirish, yong'inlarning oldini olishga keng aholini jalb etishdan iboratdir.

A.RUSTAMOV, Anjumanlar saroyi YXTTEB kichik inspektori, oddiy askar.

БОЗОРДА МАШҒУЛОТ

Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги “Мирбозор” МЧЖ ҳудудида вилоят ФВБ томонидан махсус-тактик ўқув машғулоти ўтказилди.



Унда бозор ҳудудида юзага келган шартли ёнгини бартараф этиш, бино ичида қолган фуқароларни хавфсиз ҳудудга эвакуация қилиш, жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш тадбирлари амалга оширилди.

Бу каби машғулотлар вилоятдаги барча бозорларда ўтказилмоқда

Самарқанд вилояти ФВБ ахборот хизмати.

КОРХОНАДА ТАДБИР

Самарқанд давлат “ISUZU” автомобиль ишлаб чиқариш корхонасида махсус-тактик ўқув машқи бўлиб ўтди.



Ўқув машқи ғоясига кўра, корхонада шартли равишда содир бўлган ёнгини бартараф этиш, ишчи-ҳодимларни хавфсиз жойга эвакуация қилиш ҳамда жабрланганларга тез тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари амалга оширилди.

Илҳомжон БОҚИЕВ,
Самарқанд вилояти ФВБ
Ахборот хизмат бошлиғи,
катта лейтенант.

DONNI YONG'INDAN ASRAYLIK!

FVV Boshlang'ich tayyorgarlik va malaka oshirish markazida kasbiylashtirilgan yong'in-qutqaruv qismi yo'riqchi-qutqaruvchilari bilan “Jomboy don” aksiyadorlik jamiyatida “Don mahsulotlarini saqlash va qayta ishlash korxonalarida yong'in o'chirish” mavzusida amaliy mashg'ulot bo'lib o'tdi.

Tadbir davomida yong'inlar va boshqa tusdagi favqulodda vaziyatlarning oldini olish, korxonada yong'in sodir bo'lganda shaxsiy tarkibning harakati, odamlarni yong'indan qutqarish hamda yong'in o'chirish rahbarining harakatlari o'rgatildi.

Mashg'ulot davomida tinglovchilarning jangovar shayligi va kasbiy ko'nikmalari yana bir bor sinovdan o'tkazildi.

N.ATAKULOV, O.RO'ZIMURODOV,
BTvaMOM katta o'qituvchilari.

ФВВ Бошланғич тайёрлик ва малака ошириш марказида вазирлик тизимидаги ёнгин-қутқарув бўлинмаларига янги қабул қилинган ва лавозимга тайинланган ҳарбий хизматчи ва хизматчилар ўртасида махсус куч ишлатиш машқлари эстафетаси – “Кросс-фит” бўйича амалий машғулотлар ўтказилди.

КРОСС-ФИТ



Унда ҳар бир иштирокчи ўзига хос омиллардан бўлмоқда.

Унда ҳар бир иштирокчи ўз жисмоний ва жанговар маҳоратини махсус спорт анжомларида синаб кўрди. Бу эса ўз навбатида олган назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлашда

У.СОЛИЕВ,
ФВВ БТва МОМ цикл катта ўқитувчиси, подполковник.
М.АСАТОВ,
ўқитувчи, майор.

КЎНИКМАЛАР ОШИРИЛДИ



Тошкент вилояти ФВБ “Янги-Ангрен ИЭС” АЖ объектларда ёнгин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш бўлиммаси томонидан Янги-Ангрен иссиқлик электр станциясида мутасадди хизматлар билан биргаликда фавқулodда вазият ва ёнгинларни тез ҳамда самарали бартараф этиш бўйича махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди.

Тадбир давомида иштирокчиларнинг назарий ва амалий билимлари янада мустаҳкамланди.

М.ЖАХИЯЕВ,
“Янги-Ангрен ИЭС” АЖ ОЎХТТЭБ
инспектори, катта лейтенант.

ЎҚУВ МАШҚИ

Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалида “Шошилич тез тиббий ёрдам хизмати раҳбарияти ва тузилмалари шахсий таркибининг фавқулodда вазиятлар натижасида кўп сонли жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатишдаги ҳаракатлари” мавзусида кўргазмали махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди.

Амалий қисмда филиалга табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулodда вазиятлар натижасида кўп сонли жабрланганлар келиб тушганда саралаш ва тиббий ёрдам кўрсатиш тадбирлари ташкил этилди.

Шунингдек, амалий ҳаракатлар жараёнида филиал қабулхона бўлимига кўп сонли жабрланганлар келиб тушганда уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари амалга оширилди.

Ўқув машқи якунида эришилган ютуқлар, йўл қўйилган хато ва камчиликлар атрофлича муҳокама қилиниб, соҳа ходимларига тегишли тавсиялар берилди.

Анваржон АБДУЛЛАЕВ,
Наманган вилояти ФВБ бўлим бошлиғи,
подполковник.

НАМКОРЛИК

FVV Boshlang'ich tayyorgarlik va malaka oshirish markazi tinglovchilari ishtirokida Samarqand viloyati FVB kuch-vositalarini jalb qilgan holda “INTER INJINERING” kompaniyasi Samarqand Logistika markazi qurilishi ishchilar yotoqxonasida yong'in o'chirish amaliy-taktik o'quv mashg'uloti o'tkazildi.

Tadbir davomida navbatchi smena boshliqlarining yong'in joyida tezkor vaziyatni aniqlash, hal qiluvchi yo'nalishni belgilash, qutqarish ishlari va yong'in o'chirishni tashkil qilish, yuqori chaqiriq bo'yicha jalb qilingan kuch va vositalarning harakatlarini muvofiqlashtirish hamda bir qator tadbirlar amalga oshirildi.

Mashq yakunida yo'l qo'yilgan xato va kamchiliklarni bartaraf etish bo'yicha tavsiyalar berildi.

Umid UMAROV,
FVV BTvaMOM o'quv qismi boshlig'i,
podpolkovnik.

ILLATGA QARSHI

Seminarda markaz jismoniy va qutqaruv tayyorgarlik sikli boshlig'i podpolkovnik A.Qobulov so'zga chiqib, vazirlik tizimida korrupsiyaga qarshi kurashish, lavozim majburiyatlarini suiste'mol qilish holatlarining oldini olish maqsadida bir qator tadbirlar o'tkazilayotganligini ta'kidladi.

Bundan tashqari, tadbir davomida O'zbekiston Respublikasining “Korrupsiyaga qarshi kurash to'g'risida”gi qonun va farmonlarining mazmun-mohiyatini tushuntirib o'tdi.

Tadbir ishtirokchilari savollariga javob olishdi.

Asadbek TURDIYEV,
FVV BT va MOM bo'linma boshlig'i, leytenant.
N.ABDURASULOVA,
markaz bo'linma boshlig'i, serjant.



ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР – ЮРТ ТАЯНЧИ

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимиз ёшларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Шу боис, чуқур билим, кенг дунёқарашга эга бўлган ёшларнинг иқтидор ва истеъдодларини намоён қилишлари учун барча шароитлар яратиб берилмоқда. Ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етаётган, жамиятимиз тарақиётида ва унинг келажагини таъминлашга ҳисса қўшишга интилаётган, урناق бўлишга арзийдиган, турли жабҳаларда муваффақиятли фаолият олиб бораётган ёш авлод вакиллари орасида ҳамкасбимиз капитан Жаҳонгир Қосимовнинг борлиги ҳам қувонарли, албатта.



– Албатта, дўстларим, тенгдошларим орасида мен ҳавас қиладиган, юртимиз равнақи учун самарали фаолият олиб бораётган ёшлар кўп, – дейди суҳбатдошимиз. – Мен ҳам уларнинг сафида эканлигимдан жуда хурсандман. Бирор нарсага эришишни жиддий мақсад қилган инсон, ўз устида тинимсиз ишласа, изланса ва меҳнат қилса, ўз орзусига эришади. Мен ҳам шундай кишилар тоифасиданлигимни мамнуният билан эътироф этсам арзийди. Ўсиб келаётган ёш авлодга, тенгдошларимга Ватанимизни ривожлантириш йўлида чарчамасликларини, меҳнатдан тўхтамасликларини ва мақсадни катта қўйишларини тилайман.

Билимли, юқори салоҳиятга эга мутахассис Ж.Қосимов 1993 йил 6-апрель куни Сурхондарё вилояти Қизирик туманида Абдуқайюм Қосимов ва Саодат Юлдашева хонадонидан дунё келган. Педагоглар оиласида таваллуд топган қаҳрамонимизни ота-онаси унинг билим даражасини юксалтириш, ундаги иқтидорни юзга чиқариш, жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун астойдил ҳаракат қилишган.

Жаҳонгир 2000 йилда Қизирик туманидаги 36-умумтаълим мактабидан таълим олишни бошлади. Илк кунлардан оқ синфдошларига ҳар жиҳатдан ўрناق бўлишга интилади. Чунки Абдуқайюм ака ҳам, Саодат

опа ҳам ушбу билим масканида меҳнат қилишади. Ўқитувчи-мураббийнинг фарзанди тарбияли, билимли, тартиб-интизомли бўлиши кераклиги унинг қалбидан жон бўлган эди. Шунинг учун бутун кучини, билимини ва имкониятларини сафарбар қила оладиган ташаббускор, шижоатли ёшлар сафида бўлиш иштиёқи кучли эди унда. Ўзининг маънавий жиҳатдан юксак фикрлари, бунёдкорлик ғоялари устозларининг эътирофига лойиқ бўлишни бошлади. Бу ўқувчининг билим олишга чанқоқлиги, турли мисол ҳамда масалалар юзасидан муаллимлар билан баҳсга киришиши педагоглар ҳайратини оширар эди. Мактабда тўғаракларга қатнади, уйда эса қўшимча дарсларни тайёрлашда давом этди. Шу тариқа Жаҳонгир мактабнинг энг фаол ўқувчисига айланди. Бир қатор фанларни севиб ўқиган, мунтазам изланган, йилдан-йилга билимини ошириб борган Ж.Қосимов 2009 йилда мактабни муваффақиятли тамомлади ва шу йилнинг ўзидан Қумқўрғон туманидаги “Агрорасаноат” касб-хунар коллежидан таҳсил олишни бошлади. Изланувчан ҳамда интилувчан йигитдан бу ердаги устозлари ҳам хурсанд бўлишди. У ўзининг билим савиясини ошириш, маънавиятини янада юксалтириш, замонавий ахборот технологияларини ўрганиш борасида тинимсиз саъй-ҳаракатлар қиларди. Мустаҳкам ирода ҳамда кат-

та шижоат билан энг баланд чўққиларни эгаллаш орзусида бўлди. Унинг фикрлаши, дунёқарашини тенгдошларининг ҳурматида ҳам лойиқ кўриларди. Мана шундай катта орзу-умид, беқиёс куч билан 2012 йилда касб-хунар коллежини ҳам тамомлади.

2013–2014 йилларда Қуролли Кучларимиз сафида Ватан олдидаги бурчинини шараф билан адо этди. Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий билими ва маънавиятини юксалтириш мақсадида ташкил этиладиган ўқув-машғулотлари ҳамда кўрик-танловларда фаол иштирок этди. Қабул қилинаётган қонун ва қонун-ости ҳужжатларини амалда қўллаш механизмлари ва тартиб-таомилларини тушунтиришга қаратилган маърузаларни тинглаб, ўзининг муҳим фикрларини билдиришга ҳаракат қилди.

Интиланганга толе ёр, дейди доно халқимиз. Унинг орзулар йўлидаги интилишлари беиз кетмади. 2014 йилда ИИБ тасарруфидаги Ёнғин хавфсизлиги институти (ҳозирги ФВВ Академияси) курсантлари орасидан муносиб ўрин эгаллади. Институтда сабоқ олиш билан бирга, ФВВ ходимлари ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш орқали уларнинг саломатлигини таъминлаш учун



ўтказиладиган турли мусобақаларда фаол қатнашди.

2019 йилда олий таълим даргоҳини аъло баҳолар билан тамомлаб, Сурхондарё вилояти ФВВ Денов тумани ФВ бўлимига ҳарбий хизматга қабул қилинди. Хизмат фаолияти давомида кўплаб ёнғинларни ўчиришда иштирок этди. 2022 йилда Сурхондарё вилояти ФВВ ОЎХТТЭБ халқаро аэропортларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш

бўйича инспектор лавозимида хизмат фаолиятини бошлади ва айни пайтга қадар ушбу вазифада хизмат қилмоқда.

Қаҳрамонимиз хизмат вақтида фуқаролар ўртасида ёнғин ва бошқа фавқуллодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича тадбирларда фаол қатнашмоқда. Хизмат фаолиятдан ташқари, бир қатор кўрик-танловларда иштирок этиб келмоқда. Жумладан, 2021 йилда Фавқуллодда вазиятлар вазирлиги тизимида “Энг яхши инновацион ғоя” кўрик-танловида 3-ўринни, вилоят ҳарбий тузилмалари ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйинида фахрли 2-ўринни эгаллаган. Қолаверса, ФВВ тизимида “Энг яхши ёш китобхон – 2023” танловининг Республика босқичида 1-ўринга муносиб кўрилганлигини ҳам алоҳида эътироф этиш жоиз.

Жаҳонгир Қосимов дилкаш, дўстлари, сафдошларига жуда самимий муносабатда бўладиган, инсонлардан беминнат ёрдамни аямайдиган камтарин ва меҳнаткаш йигит. Албатта, орамизда мана шундай офицерлар кўп бўлишини истаган ҳолда, қаҳрамонимизга келгусидаги хизмат фаолиятида улкан муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Анвар ҚОБИЛОВ,
“Vaziyat” мухбири.



Ўзбекистон Республикаси ФВВ Бошланғич тайёргарлик ва малака ошириш марказида ёнғин-қутқарув қисми ёнғин-қутқарув автомобили кутқарувчи-ҳайдовчилари таркиби билан Самарқанд вилояти Жомбой шаҳридаги "Uz Truck And Bus Motors" қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган замонавий ёнғин-қутқарув автомобиллари бўйича ўқув семинар ташкил этилди.

ҚУТҚАРУВЧИ- ҲАЙДОВЧИЛАР УЧУН



Тадбир давомида кутқарувчи-ҳайдовчиларига юртимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий "MAN" русумли ёнғин-қутқарув автомобиллари бўйича маълумотлар берилиб, ёнғин, авария ва фавқулодда ҳолатларни бартараф этиш, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғини кутқариш ишларида фойдаланиладиган ёнғин-қутқарув автомобили ва унда мавжуд бўлган авария-қутқарув асбоб-анжомлари бўйича тушунчалар берилди.

Ш.БАҚОЕВ,
ФВВ БТ ва МОМ цикл бошлиғи,
подполковник.
Жасур ХОЛМУРОДОВ,
цикл ўқитувчиси, майор.

PROFILAKTIKA

Namangan viloyati Chust tumani FV, ichki ishlar bo'limlari va boshqa mutasaddi tashkilotlar bilan birgalikda dehqon bozorlari va ularning hududidadi umumiy ovqatlanish shoxobchalari, savdo do'konlarida profilaktik tadbirlar tashkil eildi.



Yong'in, chaqnash, is gazi hamda ovqatdan zaharlaniish hamda boshqa tUSDagi favqulodda vaziyatlarning oldini olish bo'yicha fuqarolarga tushuntirish ishlar olib borildi.

Islomjon MELIBOYEV,
Namangan viloyati FVB Axborot xizmati yetakchi mutaxassisi.

SEMINAR

FVV Boshlang'ich tayyorgarlik va malaka oshirish markazi hamda viloyat IIB YHXB hamkorligida "Avtotransport vositalaridan foydalanish va boshqarish hamda huquqbuzarliklarning oldini olish va yo'l harakati qoidalariga qat'iy rioya etish", "Yo'l qoidasi – umr foydasi" mavzularida o'quv seminar mashg'uloti tashkil etildi.

Uni markaz boshlig'ining birinchi o'rinbosari mayor A.Ochilov ochib, hozirgi kunda FVV harbiy xizmatchilari tomonidan yo'l harakati qoidalarini yax-



ham so'z olib, hozirgi kunda yo'l-transport hodisalarining soni keskin oshganligi, bunga asosiy sabab haydovchilarning yo'l harakati qoidalariga rioya etmasliklari, yo'l harakati qoidalarini to'liq bilmasliklari, tezlikni oshirish, haydovchilarning mas'uliyatsizligi, avtomobillarni boshqarish vaqtida spirtli ichimliklar iste'mol qilishi, natijada o'zining va boshqalarning sog'lig'iga jiddiy xavf-xatar tug'dirayotganliklarini aytib o'tdi.

O'quv seminarda ishtirokchilar o'zlarining qiziqirgan savollariga mutaxassislar tomonidan javob oldilar.

Sh.MAMATQULOV,
FVV BT va MOM bo'lim katta ofitseri, mayor.

ЎРГАНИШ

Қорақалпоғистон Республикасидаги иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ва фавқулодда вазият юз бериш даражаси юқори бўлган ўта муҳим ва тоифаланган объектларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича бошқарма ОЕХТТЭБ томонидан профилактик тадбирлар ташкил этилмоқда.

Х у с у с а н , "Нукус сув тозалаш "Устюрт геофизиншооти", "Нукус ка экспедицияси", халқаро аэропорти"



МЧЖ, "Тахياتош дон маҳсулотлари" АЖ, "Тахياتош гидроузели", "Қўнғирот сода заводи" МЧЖ ҚҚ, "Uz-Kog Gaz Chemical" МЧЖ ҚҚ, "Нукус телерадио-маркази" филиали, "Фарбий" ДМ каби объектларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш юзасидан ўрганиш тадбирлари ўтказилди.

Ж.ЯХШИБАЕВ,
ҚР ФВВ ОЕХТТЭБ бошлиғи,
подполковник.
А.ИСМАЙЛОВ,
бўлим катта инспектори,
лейтенант.

TADBIRLAR DAVOM ETMOQDA

Qashqadaryo viloyati Shahrisabz shahrida ko'p qavatli uylarning yerosti qismida faoliyat ko'rsatayotgan karaoke, kafe, bar, savdo do'konlari va turli obyektlarining yong'in xavfsizligi holati o'rganildi.



Tadbirlar davomida tadbirkorlarga yong'in xavfsizligini ta'minlashga oid tushuntirish ishlari olib borildi. Mutaxassislar tomonidan obyektlarni zaxira chiqish eshiklari va birlamchi yong'in o'chirish vositalari bilan ta'minlash hamda yozning issiq kunlarida sovutish vositalarining qarovsiz qoldirmaslik yuzasidan tushuntirishlar berildi.

M.NEGMATOV,
Shahrisabz shahar "Oqsaroy tekstil" MCHJ OBYXTTEB boshlig'i, podpolkovnik.

L.NORQULOV,
Qashqadaryo viloyati FVB YTM boshlig'i o'rinbosari, kapitan.

BOLALIKDA OLINGAN BILIM

Toshkent shahar FVB xodimlari Sergeli tumani "Birdamlik" mahallasida joylashgan 463-sonli "Quvonch" MTTga tashrif buyurishdi.

Ular tomonidan bolajonlar o'zlari bolajonlarga yong'in uchun muhim bilimlarga ega bo'ldilar.

Ular kelib chiqmasligi uchun nimalar qilish zarurligi ko'rgazmali vositalar yordamida tushuntirildi.

Tadbir davomida

Gulchiroy MURODOVA,
Toshkent shahar FVB bo'linma mutaxassisi, oddiy askar.



ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ

"Қамчиқ" махсус қидирув, ёнғин-қутқарув бошқармаси ходимлари ҳудуддаги савдо расталарида бўлиб, ишчи-ҳодимлар ва фуқароларга профилактик тушунтириш-тарғибот ишларини олиб боришди. Амалий-тактик машқлар орқали бирламчи ёнғин ўчириш воситаларидан тўғри фойдаланиш, уларнинг тактик-техник хусусиятлари тўғрисида тушунчалар бериб ўтилди.

Бундан ташқари, ёнғин-қутқарув отряди ходимлари томонидан савдо расталарида ёнғинга қарши тадбирларнинг бажарилиши, бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан жиҳозланганлиги, сув ҳовузлари мавжудлиги ва уларга олиб борадиган йўлларнинг тўсиб қўйилмаганлиги, савдо расталарининг ёнғинга бардошлилиги, автоматик ёнғин ўчириш воситалари билан жиҳозланганлиги, электр симларининг лаборатория синовларидан ўтганлиги кўздан кечирилди.

Ҳозирда ушбу тадбирлар жойларда давом эттирилмоқда.

Б.АНАРҚУЛОВ,
"Қамчиқ" МКҚБ ЁҚО командири,
майор.

М.МИНГБАЕВА,
ХваЖТТЭБ бошлиғи, кичик сержант.

ДОЛЗАРЬ МАВЗУДА

Бугунги кунда ёнғин-қутқарув хизмати ходимлари томонидан жойларда профилактик тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Тадбирлар давомида иштирокчиларга ёнғин ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятлар, улар юзага келганда тўғри ҳаракатланиш қоидалари тушунтирилиб, газ ва электр мосламаларидан ёнғин ҳамда техника хавфсизлиги талабларига қатъий риоя қилган ҳолда фойдаланиш борасидаги муҳим талаб-қоидалар яна бир карра эслатилмоқда.

Ҳозирда ушбу тадбирлар давом эттирилмоқда.

Дилшод МИРАЛИМОВ, Маърифат маркази ЁХТТЭБ мутахассиси, катта сержант.

KELAJAKKA E'TIBOR

Ko'pchilik ota-onalar, ayniqsa, qishloq joylarda yashovchi kishilar bolalariga olov bilan sho'xlik qilish oqibatlarini tushuntirishmaydi. Yoki bolalarini uyda yolg'iz qoldirib, ishga yoki biron bir yumush bilan ketishadi. Natijada uyda qarovsiz qolgan bola gugurt chaqib, olov o'ynaydi. Gaz plitasini yoqadi, o'choqqa o't qalamoqchi bo'ladi. Bularning oqibatida kuyish tan jarohati olish yoki xas-hashak, somonxona yaqinida olov yoqib, o'zi o't ichida qolib, nobud bo'lganlik holatlari ham uchrab turadi.

Yaqinda tumanimizdagi yashash uylarining birida besh yoshli bolaning uyda yolg'iz qolishi oqibatida, bola gugurt o'ynab, o'zi yashab turgan uyni yoqib yuborgan, yana bir bola gaz plitasini yoqaman deb og'ir kuyish tan jarohati olgan va shifoxonaga yotqizilgan.

Bu kabi voqealardan oqilona xulosa chiqarishimiz, bolalarga doimo e'tiborli bo'lishimiz lozim.

T.TURSUNBOYEV, Koson tumani FV bo'limi inspektori, katta leytenant.

TARFIBOT

"Qamchiq" mahsus qidiruv, e'ngin-kutqaruv bo'sharmasi e'ngin-kutqaruv o'tryadi шахсий таркибининг жанговар ҳаракатлари, тактик-техник имкониятларини ўрганиш, e'nginларда тўғри қарор қабул қилиш ва e'nginларни ўз вақтида ўчириш, шахсий таркибнинг чидамлилиги ҳамда кўникмаларини ошириш мақсадида, o'tryadнинг "Qamchiq" домини худудида жойлашган "Chinor garden", "Archa buloq", "Nabixon ota", "Oqtepa", "Kamtar" номли умумий овқатланиш шохобчалари ва 35-йўл бўлимларининг ишчи-ходимлари ва фуқаролар иштирокида профилактик тарғибот тадбирлари ҳамда амалий-тактик машқлар ўтказилди.

Тадбирларда иштирокчиларнинг фавкуллода вазиятларда ҳаракатланишга оид билим-малакалари янада мустаҳкамланди.

Б.МАДАМИНОВ, "Qamchiq" МКЁҚБ ЁҚО смена бошлиғи, лейтенант.



ДАВР ТАЛАБИ

Жиззах вилояти ФВБ томонидан турар-жой ва жамоат биноларининг ертўла ва ярим ертўлаларида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг e'ngin хавфсизлиги ҳолати тўлиқ ўрганиб чиқилди.



Тадбиркорлар ва масъул ташкилот вакилларига e'ngin хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши, электр ва газдан нотўғри фойдаланиш билан боғлиқ камчиликларни бартараф этиш юзасидан кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Акрам САМИЕВ, Жиззах вилояти ФВБ бўлим бош инспектори, капитан.

Янгиқўрғон тумани ФВ бўлими томонидан мактабгача таълим ташкилотларида мактабларда ҳамда яшаш хонадонларида уйма-уй юрилиб, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Шунга қарамасдан, аҳоли яшаш хонадонларида e'nginлар содир бўлмоқда. Буларга эса фуқароларнинг e'ngin хавфсизлиги қоидаларига риоя этмасликлари, болаларни назоратсиз қолдириш, электр ускуналари ва газ ускуналаридан нотўғри фойдаланиш ҳолатлари сабаб бўлаётир.



Чўмилиш маданияти

2023 йилнинг июнь ойига қадар республикамызда 68 та бахтсиз ҳодиса рўй берган.

Бу кўрсаткични 2022 йилнинг шу даврига қиёслайдиган бўлсак 65 та сувда чўкиб ҳалок бўлиш ҳодисалари содир бўлган. Буларнинг ичида вояга етмаганлар жорий йилнинг ўтган даврида 37 тани ташкил этади ва бундай ҳолат 2022 йилда 28 тани ташкил этган.

Фуқароларимиз ва вояга етмаган болаларни қаровsiz қолдириш, булар томонидан рухсат берилмаган муҳандислик иншоотларидан 2023 йилнинг

июнь ойига қадар республикамызда эҳтиётсизлик оқибатида чўкканлар 18 тани ташкил этади. Бу кўрсаткич эса 2022 йилнинг июнь ойига қадар 20 тани ташкил этган.

Сувда чўкиш билан боғлиқ ҳолатлар ўрганиб чиқилганда, кўнгилсиз ҳодисаларнинг аксарияти чўмилиш тақиқланган жойларда содир бўлаётгани маълум бўлди.

А.МАХМУДОВ, ФВБ ФМИ катта ўқитувчиси

ОВҚАТДАН ЗАҲАРЛАНИШ

Овқатдан заҳарланиш – микроблар билан зарарланган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилганда вужудга келадиган касалликдир. Аксарият ҳолларда бирдан кўпчилик касалланади, лекин беморлардан соғлом одамларга юқмайди.

Овқатдан заҳарланиш билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида туман ФВ, СЕОМ бўлимлари ходимлари томонидан

Янгиқўрғон туманидаги бозорларда, мактабгача таълим ташкилотларида, яшаш хонадонларида уйма-уй юрилиб, тушунтириш

ва тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

М.ЭРГАШЕВ, Янгиқўрғон тумани ФВ бўлими инспектори, капитан.

ИЗЧИЛЛИК БИЛАН

Деҳқонобод туманидаги ижтимоий-иқтисодий объектлар, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда аҳоли яшаш пунктлари, таълим ва даволашни муассасалари, савдо мажмуаларида e'nginлар, табиий ва техноген тусдаги фавкуллода вазиятлардан муҳофазаланиш, қутуриш, Қрим-Конго ва ботулизм – овқатдан заҳарланиш каби касалликлардан огоҳ бўлиш бўйича профилактик тад-

бирлар, тарғибот-ташвиқот ишлари, учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Мазкур тадбирлар давомида иштирокчиларнинг фавкуллода вазиятларда ҳаракатланишга оид билимлари янада мустаҳкамланмоқда.

Ўткирбек ЮЛДАШЕВ, Деҳқонобод тумани ФВ бўлими бўлинма бошлиғи, майор.

ХАВФСИЗЛИК МУҲИМ

Хусусан, 2023 йил 5 август куни тахминан соат 12:57 ларда тумандаги "Хўжашўркент" МФЙ Шоҳизинда кўчасида яшовчи фуқаро Т.А. яшаш хонадони молхонасида вояга етмаган ўғлининг гугурт ўйнаши натижасида e'ngin келиб чиққан ва яшаш уйи молхона том қисмидан e'ниб, уй эгаси моддий зарар кўрган.

Бу каби ҳолатлар барчамиздан огоҳ ва хушёр бўлишни, ўз хавфсизлигимиз ҳақида аввало ўзимиз қайғуришимиз лозимлигини кўрсатади.

З.ЭРАЛИЕВ, Янгиқўрғон тумани ФВ бўлими кичик инспектори, катта сержант.

ҚОИДАЛАРНИ УНУТМАЙЛИК!

Янгиҳаёт тумани ФВ бўлими ходимлари томонидан жойларда e'ngin ва бошқа тусдаги фавкуллода вазиятларнинг олдини олиш, содир бўлганда оқибатларини бартараф қилиш юзасидан бир қатор тарғибот тадбирлари амалга ошириб келинмоқда.

Мазкур тадбирлар давомида аҳоли, давлат ва жамоат ташкилотларида фаолият юритаётган ишчи-хизматчиларга e'ngin ва бошқа тусдаги фавкуллода вазиятлар билан боғлиқ ҳолатлар таҳлил қилинган ҳолда, бу борадаги билимлари янада мустаҳкамланмоқда.

Тарғибот тадбирларида бўлимнинг e'ngin-қутқарув ишларига ихтисослашган махсус техникалари ва асбоб-анжомлари кўргазмаси ҳам ташкил қилиниб, кўргазмалар давомида иштирокчиларга мазкур воситалардан фойдаланиш тартиб-қоидалари тушунтирилмоқда.

Шунингдек, иштирокчиларга e'ngin ва бошқа тусдаги фавкуллода вазиятларда тўғри ҳаракатланишга оид эслатма ва буклетлар тарқатилмоқда.

Ўз навбатида, юртдошларимиздан, турли соҳаларда фаолият юритаётган ишчи-ходимлардан e'ngin ва техника хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилишни сўраб қолган бўлардик.

Зеро, ўзимиз, яқинларимиз, хонадонларимиз ва меҳнат қилаётган жамоаларимизда e'ngin хавфсизлигини таъминашга, аввало, ўзимиз масъул эканлигимизни унутмайлик!

С.ТУРСУНОВ, Янгиҳаёт тумани ФВ бўлими бошлиғи, подполковник.

ЭСЛАТМА!

Сув организмда қон айланишини яхшилади, оксидланиш жараёнларини фаоллаштиради, асаб ва мускул тизимларининг тонусини оширади. У тана, оёқ мускуллари, елка камарининг бир меъёрида ривожланиши, нафас олиш тизимида яхши таъсир этади. Одам кўп шамолламайдиган бўлади.

Сузишни билган ёзда рухсат этилган сув ҳавзаларида мазза қилиб чўмилиши мумкин. Биз ота-оналардан шунини сўраб қолган бўлардикки, ўз болаларининг назоратсиз қолдирманг, белгиланмаган хавфли жойларда чўмилишининг олдини олинг!

Фарзандларимизга сузишни ёшлиқдан, болалиқдан ўргатиш зарур. Шундагина сувда чўмилиш билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олган бўлардик.

А.АБДУСАМАДОВ, Фарғона вилояти ФВБ ходими.

“Энг яхши ёш китобхон – 2023”:

ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАР АНИҚЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Албатта, китобга нисбатан муҳаббат, ғолибликка бўлган иштиёқ ҳар бир иштирокчининг саъй-ҳаракатида, маънавий-интеллектуал билим даражасида намоён бўлди. Қизгин баҳсларга бой бўлган мусобақада ёшларнинг маънавий баркамоллиги, она-Ватанга муҳаббати, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмати акс этиб турди. Қувонарлиси шундаки, ҳарбий хизматчиларнинг фаол иштироки, адабиётга ошнолиги ҳамда билимдонлиги

тадбир кўркига янада кўрк қўшиб турди.

Ҳакамлар ҳайъатининг қарорига кўра, Сурхондарё вилояти ФВБ ҳарбий хизматчиси, капитан Жаҳонгир Қосимов энг кўп балл тўплаб, 1-ўрин соҳибига айланди.

– Танлов кескин ва мурасасиз, аммо шаффоф ва адолатли ўтди, – дейди Ж. Қосимов. – Мана шу кўрик-танловда ғолиб бўлишимни кутмагандим, бироқ қалбимда кучли умид ва ишонч бор эди. Боиси, анча қаттиқ тайёргарлик кўришга, кўпроқ ўз устимда ишлашга,



тинимсиз меҳнат қилишга интилгандим. Бу эса ўз самарасини берганидан чексиз мамнунман. Танловга тайёргарлик жараёнида кўплаб бадиий китобларни мутолаа қилиб, уларни ўз дунёқарашим билан таҳлил қилдим ва фикрларим бутунлай ўзгарганига гувоҳ бўлдим.

Ғолибликни катта қийинчилик билан қўлга киритганимни барча ҳамкасб дўстларим ҳам кўриб, кузатиб туришди. Улар ҳам жуда яхши тайёргарлик кўриб келишганди.

2-ўринни Махсус-муҳандислик қурилиш бошқар-

маси ҳарбий хизматчиси, оддий аскар Искандар Кажанов эгаллаган бўлса, 3-ўрин Фарғона вилояти ФВБ ҳарбий хизматчиси, катта лейтенант Исмолиддин Абзалдиновга насиб этди.

Танлов ғолиблари ва иштирокчиларига ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари, диплом, фахрий ёрлиқ, жаҳон ва ўзбек адабиёти дурдоналаридан ўрин олган китоблар жамланмаси тақдим этилди.

Анвар ҚОБИЛОВ,
“Vaziyat” муҳбири.



Биласизми?



ҒОЗЛАР НИМА УЧУН ТИЗИЛИБ УЧАДИ?

Учиб кетаётган ғозларнинг ҳам кечаси, ҳам кундузи йўлни яхши билладиган, ақлли, кўпни кўрган йўл-бошчиси бўлади. Ғозлар тизими 80 километр-соат тезликда учиб боради. Уларнинг нега шундай учаётганини тахмин қилишимиз мумкин. Сиз, самолётлар ҳам бир-бирини кўриб бориш, биринчи бўлиб учаётган самолёт орқасидан бошқалари учиб боришини биласиз. Понасимон тизим самолётлар каби ғозлар учун ҳам қулайдир.

Ғозларнинг 40 га яқин тури мавжуд. 10-12 тури Қўшма Штатларда яшаб, деярли қишни ўтказишади. У Канада куши деб ҳам аталади.

Ғозларнинг энг кенг тарқалган тури “Канада ғози”дир. Кўчиш даврида у бутун Шимолий Американи босиб ўтади. Унинг боши қора, бўйнида қалин оқ доғи бўлиб, тумшуги олдида кенгайди ва баъзи пайтларда ҳар икки бетига ёйилади.

“ЧУМОЛИЛАР МАДАНИЯТИ” БОР НАРСАМИ?

Чумолилар дунёга келгандан то ўлимга қадар ўзаро ижтимоий муно-

сабатлар тизимида яшайди, ҳар бири ўз вазифасини жуда яхши биледи ва бажаради. Нима, бу маданият эмасми?

Эндигина туғилган чумолиларни махсус питомниклар — “боғчалар”да парваришляшади. Улар малакали “тарбиячилар” кўз остида бўлади ва улар мунтазам равишда кичкинтойларни чумолихонадан олиб чиқиб, тоза ҳавога айлантириб келади.

Бемор чумолиларга ўз касбининг усталари бўлган “докторлар” қарайди. Улар ҳар куни тиббий кўриқдан ўтказишади ва зарур ҳолларда беморларни ажратиб қўяди, ҳатто жарроҳлик операциялари ўтказишади, масалан, лат еган оёқларини кесиб ташлайди.

Жанубий Америкада “фермер” чумолилар яшайди. Улар тупроқ ташиб



келиб, дарахтлар пойидаги ковакларни тўлдиради ва бу “майдонларга” турли экинлар уруғини экади. Чумолиларнинг айрим турлари ўз уялари атрофига экин экишади. Ҳосилни йиғиштириб олишда чумолилар жамоасининг ҳар бир аъзоси иштирок этади. Уруғни овқат ўрнида, хашақдан қурилиш материали сифатида фойдаланадилар.

Марказий Америкада яшайдиган ўроқчи чумолилар ўз уяларидан то ғарамларгача росмана йўл курадилар. Бундай йўлларнинг узунлиги 1,5 километрга етиши мумкин. Мабодо, бу йўл ёпилиб қолса, чумоли-бинокорлар ишни тўхтатиб, кутиб туришади. Бир қанча вақтдан сўнг бу ерга “полициячи” чумолилар етиб келади ва тартиб ўрнатади. Чумоли уясига бу сигнал қандай етиб келади, бу бизга қоронғи. Телепатия бўлса ажаб эмас.

Чумолиларнинг бу оламдан нариги оламга кетиши ҳам инсонлар ўтказадиган маросимларига ухшайди. “Тахтакашлар” марҳум чумолини уяларидан четда жойлашган қабристонга кўтариб боради, “гўрковлар” эса жасадни 2-2,5 сантиметр чуқурликдаги лаҳадга қўяди.

Хўш, чумолиларнинг бу қадар мураккаб ва кўп қиррали ҳаётини ақлдан ўзга нима бошқариши мумкин? Олимларнинг тасдиқлашича, чумолиларда бу туғма инстинкт жуда тараққий этган.

Интернет материаллари асосида
Анвар ҚОБИЛОВ
тайёрлади.



Vaziyat

газетаси

Муассис:
Ўзбекистон
Республикаси
Фавқуллодда
вазирлар
вазирлиги

Бош муҳаррир в.б.
Азамат СУЮНОВ

Газета таҳририят
компьютерхонасида
сахифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг
пайшанба куни чиқади.
Топшириш вақти — 15:00.
Топширилди — 15:00.

Навбатчи:
М. САНАЕВ

Таҳририятга юборилган
материаллар қайтарилмайди ва
изоҳ берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят
нуқтаи назаридан фарқлиниши
мумкин.

Газетадан олинган
материаллар манбаси
кўрсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 2007 йил
3 январда 0096-рақам
билан рўйхатга олинган.
ISSN 2091-5292

Таҳририят манзили:
100084, Тошкент шаҳри,
Кичик ҳалқа йўли, 4-уй.
Тел.: (71) 231-96-71
Телеграмм: (90) 016-87-67

Индекс:
якка обуначилар ва
ташкilotлар учун — 382

Газета
“BUSINESS PRINT DESIGN”
босмахонасида босилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
Сўғалли ота кўчаси, 5-уй.
Буюртма №
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т
Адади — 5400 нусха